


## Мавзу 7. Сувни оқилона тақсимлаш, уни етказиб бериш, ундан фойдаланиш ва мухофаза қилишнинг иқтисодий механизмлари



## **МАВЗУ БҮЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР**

1. Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш.
2. Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилишнинг иқтисодий ҳамда бошқа чора-тадбирлари.
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар.
5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.
6. Сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар.
7. Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари.
8. Сув хўжалигига давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг.
9. Сув хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

# **Фойдаланиш учун адабиётлар**

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) Т., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey “Water resources planning and management”, London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiysi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining “Suv va suvdan foydalanish to'g'risida”gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida”gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

## **СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИ ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ**

- Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилишнинг иқтисодий ҳамда бошқа чора-тадбирлари;
- Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари:
- сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўлов, сув ресурсларидан фойдаланганлик, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга заарли таъсир этишнинг бошқа турлари учун солиқ ундириш;
- сувдан фойдаланувчиларга сувни тежашда, сувни тежайдиган ва тозалайдиган технологияларни жорий этишда, сувни мухофаза қилиш ва тежашда самара берадиган фаолиятни амалга оширишда бериладиган солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар;
- ташкилотлар ўртасида сув етказиб бериш бўйича соғлом рақобатни ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш ва сувдан фойдаланувчиларга сув етказиб бериш жараёнларида давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий қилишни назарда тутади.
- Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз таъсис ҳужжатларига мувофиқ сувдан оқилона фойдаланиш ва уни мухофаза қилишга қаратилган самарали чора-тадбирлар татбиқ этилишини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириши мумкин.

# Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловларнинг турлари

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан;
- сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлардан;
- сув олишга квота сотиб олиш учун тўловлардан (квотанинг бир қисмини бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ);
- лимитдан ортиқча сув олганлик учун кўшимча тўловлардан (лимитдан ортиқча сув олиш ёки сув етказиб бериш мажбуриятларининг бир қисмини бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ);
- атроф мухитни (сув ва жойдаги рельефни) ифлослантирганлик учун компенсация тўловларидан иборат бўлади.
- Атроф мухитни ифлослантирганлик, сув объектларида сувдан лимитдан ортиқ (нормативдан ортиқ) ва бошқача нооқилона фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахс даромадидан (фойдасидан) ундирилади, қолган бошқа тўловлар эса сувдан фойдаланувчи – юридик шахснинг маҳсулоти (хизматлари, ишлари) таннархига киритилади.
- Сувдан фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф мухитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари бўйича имтиёзлар қонунчилик билан белгиланади.
- Ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлари учун ичимлик сув таъминоти корхоналарига сув етказиб бериш ва бошқа сув хўжалиги хизматларига тўлов ундирилмайди.
- Сув ресурслари ва сув объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар ҳамда сув ва сув объектларини ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари юридик ҳамда жисмоний шахсларни сув ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишдан, етказилган заарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.
- Ёнғинга қарши эҳтиёжлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун фойдаланилган сув ҳажмидан тўловлар ундирилмайди.

# Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

- . Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни белгилаш, жорий этиш ва бекор қилишга, ҳисоблаб чиқариш ҳамда тұлашга доир муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар Узбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланади
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув етказиб бериш учун түловни қисман ёки түлиқ үз ичига олиши мүмкін.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан тушумларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва фойдаланувчи ташкилотлар (сувни етказиб берувчилар) бюджетлари ўртасида тақсимлаш «Давлат бюджети түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан тушумлар сув етказиб бериш хизматлари сифатини ошириш ва сув хұжалиги инфратузилмасининг техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилиши керак

# Сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар

- . Сув етказиб бериш хизматлари ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа хизматлар тўлов асосида амалга оширилади.
- Сув етказиб берганлик учун тўлов сув етказиб берувчининг харажатларини, шу жумладан, фойдаланиш ва маъмурий харажатларни, келажакда сув етказиб бериш инфратузилмасини модернизация қилиш харажатларини қоплаши, шунингдек, сув етказиб берувчининг рентабеллигини таъминлаши зарур.
- Сув етказиб бериш учун тўловлар давлат бюджети ҳисобидан, шунингдек, ўзаро субсидиялаш механизми орқали, харажатларнинг бир қисми табиий сув манбасидан узокдагилардан сув манбасига яқин бўлган сувдан фойдаланувчиларга ўtkazилганда қисман субсидияланиши мумкин.
- .

- **Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари.**
- Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари “ифлослантирган тўлайди” принципига асосланиб, унга кўра ифлосланишнинг олдини олиш, уни чеклаш ва камайтириш чоратадбирлари билан боғлиқ сарф-харажатлар ифлослантирувчи томонидан қопланади.
- Ифлослантирувчи моддаларни сув обьекти ва жойдаги рельефга норматив ва нормативдан ортиқча, аварияли ва бараварига чиқариш массаси компенсация тўловлари обьекти ҳисобланади.
- Ифлослантирувчи моддаларни сув обьекти ва жойдаги рельефга чиқарадиган юридик шахслар компенсация тўловлари субъектлари ҳисобланади.
- Компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилиш, тўловларни тўлаш ва тушган маблағлардан фойдаланиш Узбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.
- .

# Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари

- **Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари.** Сувни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари “ифлослантирган тўлайди” принципига асосланиб, унга кўра ифлосланишнинг олдини олиш, уни чеклаш ва камайтириш чора-тадбирлари билан боғлиқ сарф-харажатлар ифлослантирувчи томонидан қопланади.
- Ифлослантирувчи моддаларни сув обьекти ва жойдаги рельефга норматив ва нормативдан ортиқча, аварияли ва бараварига чиқариш массаси компенсация тўловлари обьекти ҳисобланади.
- Ифлослантирувчи моддаларни сув обьекти ва жойдаги рельефга чиқарадиган юридик шахслар компенсация тўловлари субъектлари ҳисобланади.
- Компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилиш, тўловларни тўлаш ва тушган маблағлардан фойдаланиш Узбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

## **Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги таваккалчиликларни суғурталаш.**

- Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги таваккалчиликларни суғурталаш сув мұхитини ифлослантириш, сув сифатининг ёмонлашуви ва сув ҳамда сув объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ бөшқа заарли таъсирлар оқибатлари ҳисобланған заарлар етказилған ҳолатларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мүлки ҳамда даромадлари, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мүлкини ҳимоя қилиш фаолиятини ифода этади.
- Таваккалчиликларни суғурталашда юридик ёки жисмоний шахсларнинг мүлкий манбаатлари суғурта шартномасига мувофиқ ва муайян ҳолат (суғурта ҳолати) юзага келганды, улар томонидан тұланағынан суғурта мүкофотлари, шунингдек, бөшқа маблағлардан шакллантириладын пул жамғармалари ҳисобидан уларға суғурта тұловини (суғурта суммасини) тұлаш орқали ҳимоя қилинади.
- Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги таваккалчиликлар одатда, экологик суғурталаш (ихтиёрий ёки мажбурий) тартибида суғурталанади.
- Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги таваккалчиликлар фуқаролик қонунчилиги ва табиатни муҳофаза қилиш тұғрисидаги қонунчилік, суғурта фаолияти тұғрисидаги қонунчилік, ушбу Кодекс ва бөшқа қонунчилік ҳужжатларыда белгиланған тартибида суғурталанади.

## **Сув хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.**

- сув хўжалиги тизимидағи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини молиялаштириш;
- янги сув хўжалиги иншоотлари ва тизимларини қуриш ҳамда фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилишга молиявий ресурсларни, шу жумладан, қарзлар ва инвестицияларни жалб қилиш;
- трансчегаравий, республика, вилоятлараро, туманлараро ва хўжаликлараро аҳамиятга эга бўлган сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари ва тизимларидан фойдаланиш тадбирларини давлат ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш;
- сувдан фойдаланувчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда бошқа преференциялар бериш;
- сув хўжалиги тизимларини қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликка мувофиқ бошқа чоратадбирларни амалга ошириш.
- Сув фондидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича сувдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш соҳасидаги инвестиция сиёсати сув хўжалиги ривожлантиришни қайтариш асосида марказлашган кредитлар ҳисобидан давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, сув хўжалиги органларининг соҳани ривожлантириш ҳамда инвестицияларга йўналтириладиган маблағлар сарфланишини назорат қилишга ўз манбаларини сарфлашини рағбатлантиришга асосланади.

- **Кичик дарёлар сувлилигини таъминлаш мақсадида қўйидагилар тақиқланади:**
  - кичик дарё ҳавзасининг рельефини ўзгартириш, қуриб бораётган дарёлар ва уларнинг оқимлари ўзанларини бузиш ва ўзгартириш;
  - кичик дарёлар ўзанларини тўғирлаш ёки торайтириш, уларнинг тубини табиий сатҳидан паст қилиб чуқурлаштириш ёхуд сув ўтказиш қурилмалари билан жиҳозламасдан тўсиб қўйиш;
  - кичик дарё ҳавзасининг табиий ўсимликлар ва дарахтлар билан қопланишини камайтириш, қайир ерларни шудгорлаш ва бундай ерларда кимёвий воситаларни қўллаш;
  - кичик дарёлар юқори қисмидаги ботқоқлашган участкалар ва табиий ерларда қуритиш-мелиорация ишларини амалга ошириш;
  - кичик дарёлар сувлилиги ва улардаги сув сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки кўрсатадиган бошқа фаолиятни амалга ошириш.
  - Кичик дарёларнинг сувини муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйидаги минтақалари ва уларни санитария- муҳофаза зоналари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, фуқароларнинг ушбу зоналар ҳамда ҳудудлардаги хўжалик фаолияти режими ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

# Сув объектларидаги фавқулодда экологик вазият ёки экологик офат зоналари

- Хўжалик фаолияти ёки табиий жараёнлар натижасида инсонлар соғлиғи, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ҳамда атроф-муҳитнинг ҳолатига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига хавф соладиган ўзгаришлар содир бўладиган сув объектлари, уларнинг бир қисми ҳамда сув тўпланадиган жойлар фавқулодда экологик вазият ёхуд экологик офат зоналари деб эълон қилиниши мумкин.
- Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экологик офат зоналари деб эълон қилинади.
- Фавқулодда экологик вазият ёки экологик офат зоналари экологик аҳвол ёмонлигининг юқори даражасини акс эттирувчи битта ёхуд бир қанча асосий ҳамда қўшимча кўрсаткичлар бўйича белгиланади.
- Фавқулодда экологик вазият ёки экологик офат зоналари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган тартибда қабул қилинади.
- Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга заарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади..

# Сувни мухофаза қилиш зоналари ерларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

- Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари атрофида, шунингдек, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар бўйлаб сувни мухофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари, хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари атрофида санитария-мухофаза зоналари ва санитария ҳимоя минтақалари, минерал сувлар ва бошқа даволаш воситалари атрофида эса санитария-мухофаза округлари белгиланади.
- Сувни мухофаза қилиш зоналарини белгилаш сув омборлари ёки аҳолининг ичимлик ва хўжалик-маиший сув таъминоти, даволаш ва маданий-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бошқа сув манбалари ҳам белгиланиши зарурлигини истисно қилмайди.
- Сувни мухофаза қилиш зonasига киритилган ерлар уларга эгалик ҳуқуқига эга бўлганларнинг ер участкаларидан олиб қўйилмайди, балки улар томонидан ушбу Кодекс талабларига риоя этилган ҳолда фойдаланилади.
- Белгиланган режимга риоя этилишининг давлат назорати маҳаллий бошқарув органлари, давлат табиатни мухофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан назорат қилинади.
- Маҳаллий бошқарув органлари, табиатни мухофаза қилиш ва санитария назорати давлат органлари белгиланган режимга риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга оширади.

## **Санитария ва экологик мақсадларида сув чиқариш :**

- Санитария ва экологик мақсадларида сув чиқариш сув сифати нормативларига риоя этилишини, сувдан қулай фойдаланиш шароитларини, шунингдек, сувдан рақобатли фойдаланиш ва сув оқимини башқаришда сувли-ботқоқ ерлар, күллар ва соҳил бўйи зоналари экотизимларини саклашни таъминлайди.
- Санитария ва экологик мақсадларида сув чиқариш йилнинг сувлилигига қараб, сув хўжалиги баланслари ҳамда сувдан фойдаланиш режалари доирасида белгиланади.
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология органлари санитария ва экологик мақсадларда сув чиқаришнинг кўрсаткичлари ва режимини белгилаш методологиясини ишлаб чиқади

## **ЕР ОСТИ СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

- **Ер ости сувларидан фойдаланиш.**
- Ер ости сувларидан мақсадли фойдаланиш зарур. Гуруҳли сув олиш иншоотларидан (бир иншоотда икки ва ундан ортиқ бир вақтда ишлатиладиган бурғи қудуқлари бўлганда), шунингдек, минерал ва термал сувлардан фойдаланишга ер ости сувларининг тасдиқланган захиралари мавжуд бўлгандагина рухсат берилади. Ер ости сувлари захиралари Ер ости сувлари бўйича ваколатли орган ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.
- Ер ости сувларидан турли эҳтиёжлар учун фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари томонидан уларнинг ер усти сувлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинган ҳолда тартибга солинади.
- Ер ости сувларидан фойдаланиш сувдан махсус фойдаланиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади

## • Ер ости сувларини мухофаза қилиш

- Ер ости сувлари чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи сувдан фойдаланувчилар сув чиқарилаётган участка ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек, фойдаланилаётган сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт.
- Агар фойдали қазилмалар конларини қидириш, уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бурғилаш ҳамда бошқа кон-қидирув ишлари бажариш чоғида ер ости сувлари бор қатламлар аниқлангани тақдирда, бу ҳақда геология ва минерал ресурслар органларига маълум қилиниши ҳамда белгиланган тартибда ер ости сувларини мухофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши лозим.
- Саноат ва бошқа оқова сувларини оқизиш учун қазиладиган қудуқлар сувли қатламларни ифлослантириш манбаига айланиши мүмкин бўлса, бундай қудуқлар қазиш барча ҳолларда ман этилади.
- Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилган руҳсатнома асосида амалга оширилади.
- Ўзи қўйиладиган ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлган қудуқларга сувни бошқариш ускуналари үрнатилиши, консервация қилиниши ёки улардан фойдаланиш тўхталиши, яроқсиз бошқа қудуқлардан эса қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш тўхтатилиши лозим

- СУВ ОБЪЕКТЛАРИДА, СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ СУВНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ЗОНАЛАРИ, СОҲИЛ БҮЙИДАГИ МИНТАҚАЛАРИ ВА САНИТАРИЯ-МУХОФАЗА ЗОНАЛАРИДА ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария-муҳофаза зоналарида ишларни бажариш тартиби :**

- Сув объектларида, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақаларида ва санитария-муҳофаза зоналарида, ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларда сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи қурилиш, таъмирлаш, тиклаш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар ҳамда бошқа коммуникацияларни ўтказиш, дарахтларни кесиш, бурғулаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа ишлар қонунчиликка мувофиқ бажарилади.
- Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи ишлар ушбу Кодекс талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган норма ва қоидалар асосида қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, балиқчилик хўжалиги, ўрмон хўжалиги, майший ва коммунал хўжалик манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади.

## **Сув объектларининг сувни мухофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария-мухофаза зоналари**

- Сув объектларининг тупроқ эрозияси маҳсулотлари билан булғаниши, ифлосланиши, камайиши ва лойқа чукишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек, қулай сув режимини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун нормал шарт-шароит яратиш мақсадида қонунчиликка мувофиқ сув объектларининг сувни мухофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари белгиланади.
- Аҳолининг ичимлик, хўжалик-маиший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларни мухофаза қилиш мақсадида қонунчиликка мувофиқ сув объектларининг санитария-мухофаза зоналари белгиланади.
- Сув объектларининг вазифаси, жойлашган ўрни ва техник кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда сув объектларининг сувни мухофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария-мухофаза зоналарида хўжалик фаолиятининг маҳсус режими белгиланади.
- Сув объектларининг сувни мухофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария-мухофаза зоналарини мухофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади..

**ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ**